



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2010 йил

1 октябрь

ЖУМА

№ 78

(12.298)

www.th.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар! Қадрли устозлар! Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Бугун дунёдаги энг улуг ва шарафли касб эгаси бўлган азиз устозларга самимий тилакларимизни изҳор этар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Муаллим эоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чароғбонидир" деган ҳикматли сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Бундай юксак ва ҳаққоний баҳолаб фарзандларимизни ҳисмоний ва маънавий етук, баркамол инсонлар этиб ўстириш, вояга етказишдек эзгу ва масъулиятли ишни ўз зиммасига олган юртимиздаги минг-минглаб жонқуяр устоз ва мураббийлар, ҳурматли домлаларимиз шаънига муносиб эканини барчамиз бугун чуқур англаймиз. Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлodge билан ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратадиган сиз азизларнинг кундалик олижаноб меҳнатингиз олдида таъзим этсак арзийди, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги байрамнинг "Баркамол авлод йили" да, унинг юксак мақсад ва вазифаларига ўйгун ва ҳаммаҳол тарзда кенг нишонланаётгани бу айёмга алоҳида кўтаринки руҳ бағишламакда.

Азиз юртдошлар! Биз мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, янгилаш таълимига, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илгор жаҳон таърибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратиб, бор куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этмоқдамиз.

Моҳияти ва аҳамиятига кўра чиндан ҳам ноёб Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бугунги кунда ҳаёт синновидан ўтиб, ўз ҳосилини бераётгани, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани барчамизга ҳақли равишда гурур-ифтихор бағишлайди.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида – тарихан қисқа бир даврда эришган, шу жумладан, таълим ва маърифат соҳасида қўлга киритган ютуқ ва марралар ҳақида келтирилган маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотди.

Энг муҳими, ана шу давр мобайнида чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширган улкан ишларимиз натижасида мамлакатимиз дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторида 12 йиллик мажбурий умумий ва ўрта махсус таълим тизимига ўтгани Ўзбекистонимиз эришган ютуқларнинг яққол тасдиғи сифатида қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда кейинги ўн-ўн икки йил мобайнида 1 минг 394 та касб-хунар коллежи, 142 та академик лицей, 9 минг 772 та мактаб, ўнлаб олий ўқув юртлари янгитдан бунёд этилган, реконструкция қилинган ва капитал таъмирланганининг ўзи тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган улкан ҳодисадир.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида махсус дастурлар бўйича 1 минг 200 та болалар спорт объектлари барпо этилган, 278 та мусика ва санъат мактабини янгитдан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг жорий қилиш, ўқув-машгулоти ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, маълуми педагог ва мураббий кадрлар

тайёрлаш учун қанча-қанча меҳнат, куч ва маблағ сарфлангани ҳақида, ўйлаётган, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Яна бир муҳим томони – узоқни кўзлаб амалга оширадиган бундай ишларимиз нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини, балки бутун жаҳонимиз, аввало, ёшларимизнинг дунёқарашини, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини ўзгартириб, мамлакатимизнинг дунё микёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлаётгани билан аниқсиз эътиборлидир.

Албатта, олдимизда турган эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида яратилган барча кенг имкониятлар эътироф этилаётган бир пайтда, биз энг аввало бунёд этилаётган шароитларга бамисоли жон ва куч бераётган, уларни ишга солаётган муаллим ва мураббийларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатининг ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб, уларни муносиб қадрлаш ва баҳолаш барчамизнинг доимий эътиборимиз марказида туришини яхши тушунамиз.

Айни шу мақсадда педагог ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш бўйича янги тизим жорий этиш, ўқитувчилик, мураббийлик, маърифат соҳасида жонқуярлик ва фидойилик кўрсатаётган инсонларни Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден-медаллари ва мукофотлари билан тақдирлаш масалаларини ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак, иншоолло.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, диққатингизни ана бир масалага жалб этишни истардим. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда педагогика йўналиши бўйича олий ўқув юртурларида ҳужжат топшираётган абитуриентлар сонинг энг юқори кўрсаткичи, яъни 22,6 фоизни ташкил этмоқда.

Агарки, бу ниманинг далолати, деб сўраса, мен, бу биринчи навбатда мамлакатимизда ўқитувчилик чиндан ҳам шарафли касбга айланаётгани, ёшларимиз ўз ўрнини, ўз бахтимни айнан шу касб орқали топаман, деб астойдил интилаётганининг далолатидир, деб айтган бўлардим.

Биз мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ҳисобидан дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторига киришни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйган эканмиз, таълим-тарбия соҳасидаги ишларни асло бўшаштирмасдан, янги ва юксак босқичга кўтаришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Барчамизга аёнки, бугун ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун турли интилиш ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда миллий ўзлигини, кимини, қандай буюк зотларнинг вориси эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли ёш авлодига бизга ёт ва бегона бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура олади.

Фарзандларимизни ана шундай эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда менинг энг яқин маслакдошим, кўмакчи ва суянчим бўлган сиз, муҳтарам муаллим ва мураббийлар ўзингизнинг билим ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва маҳоратингизни аямасиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларимизга – юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларга Ватанимизнинг бугунги раънақи, эртанги истиқболи йўлидаги масъулиятли меҳнатингиз учун халқимиз номидан, ўз номимдан ана бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Қадрли дўстлар! Барчангизни қутлуг байрамнингиз билан самимий табриклаб, сизларга янги-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

БУГУН – ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



МЕҲР БЕРСАНГ – МЕҲР КЎРАСАН

Устозларни шамга қиёслаш мумкин. Улар ўзларидан кечиб бўлса-да, шоғирдлар камоли ҳақида қайғуришади. Бошланғич синфларга таълим бериш ўқитувчилардан, айниқса, катта билим ва куч талаб қилиши бежиз эмас. Бойси, 6-10 яшар болажонларга нафақат билим бериш, балки уларни жамоат ҳаётига ўргатиш, илк дунёқарашларини шакллантириш, мамунали одоб-ахлоқ бериш ҳам талаб этилади.

Янгийўл туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Лазокат Қунакованинг шундай улкан масъулиятни зиммасига олганига яқинда

12 йил бўлади. Мактаб – унинг иккинчи уйи, ўқувчилари эса ўз болаларидек бўлиб қолган.

– Ҳозир 2-а синф ўқувчиларига раҳбарлик қила-

япман, – дейди устоз. – Баъзилар "ёш болаларга дарс бериш қийинми", деб сўрашади. Ўқувчиларга 4 йил дарс бергач, аксинча, улардан ажралиш қийин бўлади.

1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами кунидан барча онгли кишилар, албатта, биринчи устозларини йўқлаб, табриклашади. Лазокат Қунакованинг ҳам ҳар йили 1 октябрь арафасида юраги ҳапқиради.


Собик ўқувчиларининг тинимсиз қўнғироқлари, келди-кетдисидан бўшамай қолади. Бу ҳам бир бахт! Биринчи устозини унутиб бўлмайди. Меҳр берсанг – меҳр олсан, деганлари шу бўлса керак...

Отабек САИДОВ.
СУРАТДА: Лазокат Қунакова ўқувчилари даврасида.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Сайёра ШОЕВА,
Ўза муҳбири.

ИФТИХОР



ФАРОВОНЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯЛАР

Шу йилнинг ўтган саккизи ойи давомида вилоятимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадларига тижорат банклари 100 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратди.

Тармоқни қудал турмушларда ривожлантириш, аҳолига жадал сўрашларга шариолати яратиш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар бугун ўз самарасини тўла-тўқис намоён этмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида ташкил этилган 581 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида 2 мингга яқин киши муқим иш билан таъминланди.

«БУЛОҚ АРИҚ»ДА УЧРАШИШДИ

Бекобод туманидаги С. Айний, "Булоқ ариқ" маҳалла фуқаролар йиғинида йод танқислигининг олдини олишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти Кенгаши, туман Репродуктив саломатлик маркази, "Маҳалла" жағғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳалла фаоллари, шифокорлар иштирок этди.

Тадбирда йодланган туз ишлаб чиқаришнинг қонуний ва техник томонлари, жумладан йодат калий импорти масаласига алоҳида

тўхталиб ўтилди. Семинарда таъкидланишича, республикамиз аҳолисини йод танқисликлари касалликларидан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг тиббий маданиятини янада оширишга кўмак беришда мутасадди ташкилотлар ва туз ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур.

"Туркистон-пресс".

ПАХТА – 2010

ХИРМОНГА БАРАКА КИРИТАЁТГАНЛАР

Вилоятимиз пахтазорларида ййғим-терим ҳал қилувчи паллақа кирди. Далалардаги ҳар қачонгидан мўл ҳосилнинг ярмидан кўпи хирмонларга уйилди.

Терим суръати эса ҳамон жадал. Шартномани бажарганлар кўпайгани сари, ана юзлаб фермерлар уларга тенглашишга интилишапти.

Янгийўл туманидаги "Мирзажон Баққол" фермер хўжалиги раҳбари Жўрабой Мирзажоновнинг қувончи чексиз. Давлатга пахта сотиш шартнома шартларини атиги 3 иш кунида бажарди. 47,7 тонна ўрнига 50,8 тонна пахта топширди. Далада ана 10 тоннагача ҳосил бор.

– Хўжалигимизда Адолжон Хунова, Барно Мирзажонова каби чевар теримчилар кўп, – дейди фермер. – Уларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаялмиз. Қизларнинг бири рангли телевизор, ана бири қимматбаҳо гиламли бўлди. Юқорида таъкидланганидек, давлатга пахта сотиш шартномасини бажараётган фермерлар соя кундан-кунга кенгайиб борапти. Вилоят пахта штабидан олинган маълумотларга кўра, кейинги уч-тўрт кундан буён қуйидаги фермер хўжаликлари ҳам шартномага қўшимча хом ашё топшираёпти.

Бекобод тумани: "Эликўзи ота", "Дилдора Ирода файз", "Насим Улуғбек файз", "Ҳақиқат қучи", "Умурзоқов Бахтиёр", "Берк бек", "Мунаввар Раимберди", "Жумабой", "Турсунбой Рўзбой".

Бўка тумани: "Умид", "Толи Азизов", "Отабек", "Турсунбой Файз", "Обид", "Турсунбой Нафосат".

Куйичирчиқ тумани: "Қува", "Файзулла ўғли Бахтиёр", "Есон", "Олимбой Тўлаған", "Ботир".



Оққўрғон тумани: "Дамирбек Мустафо", "Жайловбой", "Жавлон". Пискент тумани: "Садуллаева Комила", "Ҳайдаров Шунқориддин".

Чиноз тумани: "Қўлдошев Ёқубжон", "Абдурашид нур барака", "Ортиқов Пулат файз", "Бобохон ота", "Мулла Али", "Холматов Абдухалим".

Юқоричирчиқ тумани: "Хилолидин", "Жаҳонгир Музаффар Жавахир".

СУРАТЛАРДА: (чапдан) "Мирзажон Баққол" фермер хўжалиги иш юритувчиси Исроҳмон Мирзажонов, фермер Жўрабой Мирзажонов ва ҳисобчи Абдуфаттоҳ Умрзоқов далада қолган ҳосилни тезроқ саранжомлаб олиш режасини тузишмоқда; Оққўрғон туманидаги "Жайловбой" фермер хўжалиги раҳбари Тўрабек Қурбонбоев шу кунгача 92,6 тонна ўрнига 96 тонна пахта топширди.

Даврон АҲМАД ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

